

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАРЗИЕВА НАРГИЗА НОРКУЗИЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАЯНЧ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Нарзиева Наргиза Норкузиевна

Умумтаълим мактаб ўқувчиларида таянч компетенциялар асосида
тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш..... 3

Нарзиева Наргиза Норкузиевна

Формирование исследовательских навыков основанных на базовых
компетенции у учащихся средних школ..... 25

Narzieva Nargiza Norkuzievna

Building research skills based on basic competencies in secondary school
students 45

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of publications 49

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.03.2018.Ped.02.05 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**Т.Н.ҚОРИ-НИЁЗИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ПЕДАГОГИКА
ФАНЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

НАРЗИЕВА НАРГИЗА НОРКУЗИЕВНА

**УМУМТАЪЛИМ МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИДА ТАЯНЧ
КОМПЕТЕНЦИЯЛАР АСОСИДА ТАДҚИҚОТЧИЛИК
КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.2.PhD/Ped140 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

| | |
|----------------------------|--|
| Илмий раҳбар: | Тайлаков Норбек Исакулович педагогика фанлари доктори, профессор |
| Расмий оппонентлар: | Махмудов Мэлс Ҳасанович педагогика фанлари доктори, профессор Рахимов Бахтиёр Худойбердиевич педагогика фанлари доктори, доцент |
| Етакчи ташкилот: | Навоний давлат педагогика институти |

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.28.03.2018.Ped.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-12-29; факс: (0366) 239-17-14; e-mail: samdu_ped_kengash@umail.uz)

Диссертация билан Самақанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй, Тел.: (0366) 239-11-51.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги ____ - рақамли реестр баённомаси).

Х.И.Ибраимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, п.ф.д., профессор

Ш.Р.Ураков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.ф.д.(PhD)

Н.Ш.Шодиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, п.ф.д., профессор

КИРИШ(фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда илм-фан ва технологияларнинг ривожланиши шароитида узлуксиз таълимнинг барча босқичлари, жумладан, умумий ўрта таълимнинг натижавийлиги ва сифатини таъминлашда таълим олувчиларнинг тадқиқотчилик, креативлик, прагматик қобилиятларининг ривожланганлик даражаларига алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Халқаро миқёсда таълим соҳасида олиб борилаётган ўзгаришлар мактаб ёшидаги ўқувчининг шахс бўлиб камол топиштириш жараёнида ўзликни англаш, ўз-ўзини тадқиқ этиш, ижодни намоён этишга таъсир этувчи компетенциявий ёндашувга асосланган замонавий таълим парадигмаларини жорий этиш орқали амалга оширилмоқда.

Дунёнинг халқаро илмий марказларида мактаб ўқувчиларининг ижодкорлик, ижодий-яратувчанлик, техник лойиҳалашга тайёрлаш механизмлари, тадқиқотчилик фаолияти, умумилмий билимлар тизимини шакллантириш технологиялари, тадқиқотчилик кўникмаларини шаклланиш хусусиятлари, ўқув-тадқиқотчилик фаолиятининг ўсиш имкониятларига оид илмий изланишлар олиб борилмоқда. Мазкур ишланмалар тадқиқот йўналишлари ва вазифаларини танлашда инновацион ёндашувлар, ўқувчиларнинг ностандарт фикрлаш ва мақбул қарор қабул қилиш, доимий равишда янги ғоя, технологияларни излаш, топиш ва амалиётга татбиқ этиш кўникмаларини ҳосил қилиш имкониятларини кенгайтирмоқда.

Мамлакатимизда таълим тизимини такомиллаштириш, ўқув-техник таъминлаш, умумий ўрта таълим учун давлат таълим стандартлари ва норматив ҳужжатларни ишлаб чиқиш, ўқитишнинг илғор ёндашувларини жорий этиш бўйича олиб борилган ислохотлар натижасида таълим олувчиларнинг ижодий фикрлаш қобилиятларини, иқтидорини барвақт аниқлаш ҳамда уларда тадқиқотчилик фаолиятига йўналтириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Шу билан бирга ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш механизмларини таянч компетенцияларнинг педагогик имкониятларига кўра такомиллаштириш зарурати мавжуд. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қатъий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш”¹ каби вазифалар белгиланган. Бу борада таянч компетенциялар асосида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигини аниқлаш мезонлари, педагогик-психологик оптимал принциплари, интеграллашган методик тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этиб, умумий ўрта таълим сифати ва самарадорлигини ошириш имкониятини кенгайтиради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар Стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони. – Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 13 сентябрдаги “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” ПҚ-3271-сонли Қарори, 2019 йил 20-февралдаги “Президент мактабларини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-4199-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 187-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа тегишли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I.“Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон таълим тизимида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш бўйича тадқиқотлар хорижий ва мустақил ҳамдўстлик мамлакатлари олимлари томонидан олиб борилмоқда. Жумладан, ўқувчиларда тадқиқот-изланувчанлик фаолиятига доир изланишлар Н.Г.Алексеев, Д.Б.Богоявленская, А.К.Бруднов, В.А.Далингер, Н.И.Дереклеева, А.В.Курвина, А.Н.Леонтьев, А.С.Обухов, А.Л.Spivak, умумтаълим мактабларида тадқиқотчилик фаолияти А.И.Савенков, тадқиқотчилик фаолиятини бошланғич элементлари А.И.Сгибнев, Э.Г.Скрибицкий, И.Ю.Скрибицкая, ўқувчиларда тадқиқотчиликни шакллантириш бўйича Е.В.Баранова, Т.А.Воронько, Н.И.Головская, Н.А.Гордеева, Е.Б.Гончарова, ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларини ривожлантириш муаммолари В.И.Борзенко, Е.И.Брыкова, В.В.Гузеев каби олимлар томонидан ўрганилган.

Ўзбекистонда ўқувчи-талабаларнинг илмий тадқиқотчилик фаолияти, ижодий фаолият асосларини Р.Х.Джураев, Б.Х.Рахимов, Р.Г.Сафарова, А.А.Аҳмедов, Х.А.Тўрақулов, Н.Ў.Усманов, Н.А.Атақулова, О.Х.Тўрақулов, А.Р.Ходжабоев, Б.Ю.Ходиев, А.Ш.Бекмуродов, М.Р.Болтабаев, Л.В.Голиш, Б.А.Назарова, И.Б.Асқаров каби педагог олимлар, ёшларни тадқиқотчилик фаолиятига йўналтиришнинг психологик муаммоларини Э.Ғозиев, М.Давлетшин, В.Каримова, З.Нишонова, Р.Суннатова, Ш.Халилова каби психолог олимлар тадқиқ этганлар.

Хорижий давлатлар ва республикамиз олимларидан О.П.Мерзлякова, А.А.Губайдуллин, О.Е.Лебедев, В.К.Тагиров, И.А.Зимняя, Н.А.Федотова, Т.Г.Цунникова, В.Д.Шадриков, И.А.Янюк, А.Л.Spivak, D.C.Farran, А.А.Абдуқодиров, Н.А.Муслимов, У.И.Иноятгов, Б.Х.Ходжаев, Б.Данияров, Ю.М.Асадов, Н.Ш.Турдиев, И.Сапарбоев, С.Н.Акбарова, Н.Т.Ахмедова, Г.Шоисаевалар илмий изланишларида бўлғуси мутахассис ва ўқитувчи-

педагогларнинг касбий компетентлилик фаолиятларини мактаб давридан бошлаб шакллантириш, уларни таянч компетенциялар асосида ўқитиш ўрганилган.

Бу тадқиқотлар натижасида маълум ҳудудлардаги ўқувчиларнинг ижодкорлик фаолиятлари ўрганилган, уларнинг қобилиятларини ўстириш ва улардаги камчиликларни бартараф этиш мақсадида турли педагогик-психологик тавсиялар ишлаб чиқилган. Илмий манбалар таҳлили ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида шакллантириш алоҳида тадқиқот муаммоси сифатида ўрганилмаганлигини кўрсатди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-2014-0905173317-рақамли “Ўқувчиларни касб-ҳунарга самарали йўналтириш орқали умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими узвийлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиш” (2015-2017 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш механизмларини назарий ва амалий жиҳатдан такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

таянч компетенциялар асосида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигини аниқлаш мезонларини такомиллаштириш;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг интеграллашган методик тизимини такомиллаштириш;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари ривожланиш даражасининг педагогик-психологик оптимал принципларини ишлаб чиқиш;

ДТС, ўқув дарсликлари, таълим тизими методик таъминотининг ўқувчилар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришдаги имкониятларини ошириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида умумий ўрта таълим мактаблари ўқувчиларида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятларининг 6 та мактабларидаги 1086 нафар ўқувчилар жалб этилди.

Тадқиқотнинг предмети ўқувчиларнинг таянч компетенциялари асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мазмуни, шакллари, методлари ва воситалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илғор тажрибаларни ўрганиш, қиёсий таҳлил, педагогик кузатув, педагогик тажриба, моделлаштириш, суҳбат, интервью, тест, педагогик эксперимент, математик-статистик таҳлил этиш ва таҳлил натижаларини умумлаштириш усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигини аниқлаш мезонлари (муаммонинг эҳтиёжга мослиги, режалаштириш ва усулларни танлаш, қарорлар қабул қилиш, муаммонинг тушунарлилиги ва илмийлиги) таянч компетенциялар мазмунининг интегратив таъсирига (интилувчанликка, яратувчанликка, мантиқий фикрлашга, изланувчанликка, янгиликка, аналитик ва синтетик фикрлашга) устуворлик бериш асосида аниқлаштирилган;

тадқиқотчилик фаолиятига хос прогнозлаш, лойиҳалаш, моделлаштириш методлари тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланиш даражасининг оптимал педагогик-психологик принципларини (мантиқийлик, тизимлилик, кўпқирралилик) белгилаш асосида такомиллаштирилган;

тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш босқичлари эвристик-продуктив фаолиятли таълим технологияларининг тадқиқотчиликка йўналтирувчи хоссаларидан (муаммоли вазият яратиш, ўқув фаразларини шакллантириш, таснифлаш, таққослаш, тизимлаштириш, аниқлаштириш, исботлаш) фойдаланишга устуворлик бериш асосида такомиллаштирилган;

ўқувчиларда интеллектуаллик ва ижодий-яратувчанликни ривожлантиришга оид илмий-методик таъминот умумтаълим мазмуни учун маълумотлар таҳлили, тезкор қарорлар қабул қилиш, қўллаш, муаммоли ва ижодий машқлар комплексини ишлаб чиқиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

таянч компетенциялар асосида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини ташхислаш ва ривожлантириш методикаси ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган интерфаол таълим муҳитини ривожлантириш юзасидан интерфаол машғулотлар ишланмалари, махсус тренинглар дастурлари ишлаб чиқилган;

ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда таянч компетенциялардан фойдаланишнинг имконияти самарадорлик даражалари кўрсаткичлари такомиллаштирилган ва оптимал методикаси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган ёндашувлар ва усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий ёндашувлар расмий манбалардан олингани, эмпирик ўрганишлар асосида келтирилган таҳлиллар ва тажриба-синов ишлари самарадорлигининг математик статистик методлар воситасида асослангани, хулоса ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти таянч компетенциялар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган методологик ёндашувлар ҳамда педагогик шарт-шароитларни такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таянч компетенциялар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш,

инновацион таълим муҳитини яратишнинг информацион-методик тизимини такомиллаштириш ҳамда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Таянч компетенциялар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш босқичлари, эвристик-продуктив фаолиятли таълим технологияларининг тадқиқотчиликка йўналтирувчи хоссаларидан фойдаланишга доир таклифлар Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 6 апрелдаги 187-сон Қарори 3-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг умумтаълим фанлари бўйича малака талаблари” мазмунига сингдирилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-76-сонли маълумотномаси). Мазкур малака талаблари умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган умумтаълим фанлари мазмунини ишлаб чиқиш, ўқувчилар билимини баҳолаш сифатини оширишга хизмат қилган;

ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланганлигини аниқлаш мезонлари, таянч компетенциялар мазмунининг интегратив таъсирига доир таклифлардан Халқ таълими вазирининг 2017 йил 3 июлдаги “Умумий ўрта таълимнинг давлат таълим стандартлари талаблари асосида такомиллаштирилган ўқув дастурларини тасдиқлаш ва амалиётга жорий этиш тўғрисидаги”ги 190-сон буйруғини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-76-сонли маълумотномаси). Ушбу ўқув дастурлари умумий ўрта таълимнинг ўқув жараёнларини ташкил этиш, фанга оид дарслик ва ўқув қўлланмаларни такомиллаштириш имкониятини яратган;

тадқиқотчилик фаолиятига хос прогнозлаш, лойиҳалаш, моделлаштириш методлари тадқиқотчилик кўникмаларини ривожланиш даражасининг оптимал педагогик-психологик принциплари, ўқувчиларда интеллектуаллик ва ижодий-яратувчанликни ривожлантиришга оид илмий-методик таъминот, умумтаълим мазмуни учун маълумотлар таҳлили, тезкор қарорлар қабул қилиш, қўллаш, муаммоли ва ижодий машқлар комплексига доир илмий асосланган тавсиялардан А1-ХТ-1-19701-рақамли “Ўқувчиларнинг ўқув-билув имкониятларини кенгайтиришга хизмат қиладиган вазиятларни лойиҳалаш механизмлари” мавзусидаги амалий лойиҳани бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2018 йил 5 мартдаги 01-02/2-2-76-сонли маълумотномаси). Лойиҳа доирасида “Ўқувчиларда дўстона муносабатлар асосида ҳамкорлик кўникмаларини шакллантириш жараёнининг мазмуни” номли методик қўлланма ишлаб чиқилиб, умумий ўрта таълим мактаблари ўқув-тарбия жараёнига татбиқ қилинган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 6 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми: Диссертация кириш, уч боб, умумий хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 156 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида умумий ўрта таълим жараёнида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолиятини шакллантириш ҳолати, интеграциялашган таълим шароитида ўқувчиларнинг компетент ёндашуви асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш, ўқувчиларда тадқиқот фаолияти муаммоларини режалаштириш ва ечиш усуллари танлаш мезонлари ёритиб берилган.

Диссертацияда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти қуйидагича таърифланган, ўқувчилар томонидан маълум бир муаммо (масалан, фаннинг у ёки бу қонуниятларига асосланган ҳолат)ни ўрганиш ва унинг ечимини излаб топишга қаратилган ижодий фаолияти тушунилади. Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мактаб давридан бошланиб, бу даврда ўқувчиларга тадқиқот ишларини ташкил этишга оид жараённинг дастлабки элементлари берилади.

Тадқиқотчилик кўникмаси ўқувчини тадқиқот ишларини бажаришга оид қобилиятидир, тадқиқотчилик кўникмаси ўқувчи томонидан алоҳида билим, малакаларнинг эгалланиши эмас, балки ҳар бир фан бўйича интегратив билимлар ва ҳаракатларнинг ўзлаштирилишини ҳамда мустақил равишда ижодий фаолият олиб бориш, деб муаллифлик таърифи берилади.

Инглизча *“competence”* тушунчаси луғавий жиҳатдан бевосита чуқур билимга асосланган қобилият, лаёқатлилик даражасини англатади. Мазмунан эса “фаолиятда назарий билимлардан самарали фойдаланиш, юқори даражадаги касбий малака, маҳорат ва иқтидорни намоён эта олиш”ни билдиради.

Шунингдек, *таянч компетенциялар* билимларни доимо бойитиб боришни, янги ахборотларни ўрганишни, муҳим ижтимоий талабларни англай олишни, янги маълумотларни излаб топиш, уларни қайта ишлаш ва ўз фаолиятида қўллай билишни тақозо этади. Бунда тадқиқотчилик фаолиятига хос ҳайратланиш, лойиҳалаш, моделлаштириш босқичма-босқич амалга оширилади. Бундан ташқари, тадқиқотчилик фаолиятининг мақсадли йўналиши бўлган илмий билимларни эгаллаш хусусиятлари(манتيкийлик, тизимлилик, кўпқирралилик), уни умумтаълим мактаблари фаолиятига татбиқ этишнинг мақсадга мувофиқлигини кўрсатади.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришдаги ДТС, ўқув дарсликлари, таълим тизимини методик таъминоти бўйича мавжуд ҳолат аниқланган. Шу билан бирга ушбу бобда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда интеграциялаштирилган таълим ҳақида тадқиқотларда ўқувчиларнинг тадқиқот фаолияти ривожланишига етарли эътибор қаратилмаганлиги ёрқин мисоллар асосида кўрсатилган.

Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш ечими интегратив ёндашувни талаб қилиб, бунга эришиш учун муаммога турли жиҳатлардан қараш ва бунинг учун эса турли фанлардан олинган билимлар зарурлиги, умумий ўрта таълим тизимида тадқиқотчилик элементлари фақат маълум бир фан асосида акс этмасдан, фанлараро боғлиқликда намоён бўлиши, чунки тадқиқотчилик фаолияти биронта фан доирасида уни тўлиқ амалга ошириш мумкин эмаслиги, шу билан биргаликда турли фанларни ўқитиш жараёнида ижодий изланишни амалга ошириш имкониятлари ҳам бир хил эмаслиги ушбу параграфда ёритилган.


Юқоридаги таҳлиллар асосида умумтаълим мактаблари таълим мазмуни ҳамда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик қобилиятини шакллантириш жараёнига ҳам сезиларли ўзгартиришлар киритиш зарурлиги кўрсатилган. Бу ўзгартиришлар қуйидагилардан иборат:

- ўқувчиларда тадқиқотчилик қобилиятини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

- ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мақсадида таълим ва ишлаб чиқариш амалиёти (педагогик амалиёт) ўртасида мустаҳкам алоқа ҳамда зарур шарт-шароитларни яратиш ва бошқалар.

Ушбу бобнинг характерли жиҳати шундаки, таълим сифатига замонавий ёндашувнинг таҳлиллари асосида умумтаълим мактабларида ўқувчиларни ҳаёти давомида ўқиб-ўрганиш, билим, тажрибани мустақил равишда мунтазам ошириб бориш ва ҳаёт тажрибасидан фойдаланган ҳолда кундалик турмушда учрайдиган муаммоларни ҳал эта олиш, маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш самарали омиллардан бири эканлиги кўрсатилиб, ушбу ҳолат ўқувчиларнинг ижодий фаоллигини ошириши, натижада таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга асос яратиш муҳимлиги айтиб ўтилган.

Ундан ташқари, ушбу бобда бутун дунёда бўлаётган таълим соҳасидаги ислохотлар ҳам, хусусан Жанубий–Шарқий Осиё давлатлари, Европа ва Америка қитъасидаги 10-15 йилдан буён амалга оширилаётган таълимий ислохотлар таъсирида Ўзбекистоннинг компетенцияли таълим стратегияси яратилганлиги таъкидланган. Ўқувчининг таянч компетенциялари - инсон ким ва қандай касб эгаси бўлишидан қатъий назар, шахсий ҳаётида, касбий фаолиятида, ижтимоий муносабатларда фаол иштирок этиш учун эгаллаши лозим бўлган лаёқатлар, қобилиятлар ва ҳаётий малака ва кўникмалар мажмуидан иборат эканлиги, бунда ҳар бир шахс коммуникатив бўлиши, ахборот билан ишлай олиши, шахс сифатида ўз-ўзини ривожлантириши, ижтимоий фаол фуқаро бўлиши, умуммаданий хислатларга эга ва фан-техника янгиликларидан хабардор бўлиши кўрсатилган. Таълимнинг узлуксизлиги, узвийлиги, ўқувчи шахси ва қизиқишлари устуворлигидан келиб чиқиб, уларнинг ёш хусусиятларига мос равишда таянч компетенциялар шакллантирилиши схема тарзида қуйидагича изоҳланган (1-расм):



1-расм. Таянч компетенциялар

Келтирилган компетенциялар умумтаълим фанлари орқали ўқувчиларда шакллантирилиши, ҳар бир умумтаълим фанининг мазмунидан келиб чиққан ҳолда ўқувчиларда фанга оид умумий компетенциялар ҳам шакллантирилиши таъкидланган.

Мазкур бобда ўқув жараёнига таълимнинг интерфаол шакллари, технологиялари – интегратив дарс, интегратив кун, ўқувчини танқидий

фикрлашга ундовчи методлар, таълимнинг глобаллашуви ҳамда соғлом ва муаммоли таълим муҳитини ташкил этиш орқали болаларни биргаликда ўқитиш мақсадига хизмат қиладиган интеграллашган таълимни ташкил қилиш орқали ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш лозимлиги айтиб ўтилган.

Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш жараёнига интегратив ёндашувни қўллаш ва унда ахборотларни қайта ишлаш технологиясидан фойдаланиш педагогик соҳа бўйича ўзига хос инновацион ёндашув бўлиб, унинг ёрдамида тадқиқот жараёнида ижобий сифат ўзгариши ва юқори самарадорликка эришилади.

Таянч компетенциялар таркибига кирувчи “Ахборотлар билан ишлаш компетенцияси” мавжуд ахборот манбаларидан (*интернет, телевизор, радио (аудио-видео ёзув), телефон, компьютер, электрон почта ва бошқ.*) фойдалана олиш; медиа воситалардан зарур бўлган ахборотларни излаб топа олиш, саралаш, қайта ишлаш, узатиш, сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланишда медиа-маданиятга риоя қилиш; маълумотлар базасини ярата олиш, асосийларини танлай олиш ва уларни таҳлил қила билиш; кундалик фаолиятда учрайдиган ҳужжатлар билан ишлай олиш (*оддий табрикномалар ёза олиш, анкеталарни тўлдириш, меҳмонхона рўйхатида ўзи тўғрисидаги маълумотларни қайд эта олиши ва бошқалар*) компетенциялари таълим муассасасидаги ахборотлашган муҳит таълим жараёни самарадорлигини оширишга, ўқувчиларда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланишга, уларда тадқиқотчилик элементларини шакллантиришга хизмат қилиши далиллар асосида изоҳланган.

Бу талабларни ҳал қилиш эса ижтимоий технологик ислоҳотларга боғлиқ. Бу ислоҳотларнинг барчаси ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида шакллантиришга асосланган.

Юқорида келтирилган фикрлардан аён бўладиги, таянч компетенциялар асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришнинг муҳим шарти таълим жараёнида эркин-ижодий муҳитнинг яратилиши, ўқитувчи ва ўқувчиларнинг биргаликдаги муносабатлари ва ўзаро ҳамкорликдаги ҳаракатига асосланган интеграциялашган ўқитиш жараёнини йўлга қўйишдан иборат.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мезонлари қуйидагича асосланган:

1. *Муаммонинг эҳтиёжга мослиги* – муаммо ўқувчи ёки ўқувчилар гуруҳларининг эҳтиёжларига мос бўлиши шарт.

2. *Муаммоларини режалаштирилганлиги, ечиш усуллари танланганлиги* – ўқувчилар ўқув-тадқиқот муаммоларини танлаш ва режалаштириш ҳамда уларни ечиш усуллари ишлаб чиқишда иштирок этишлари лозим.

3. *Қарорлар қабул қилинганлиги* – танланган муаммо механизмларини фаоллаштириш учун ечимларнинг турли усуллари тақозо этади.

4. *Муаммонинг тушунарлилиги ва илмийлиги* – фаннинг назарий коидалари жараён ёки ходисани тушунишдаги мавжуд зиддиятларни ҳал қилиш имконини беради. Олинган фаразлар ва қонуниятлар қанчалик тушунарли бўлса ўқувчи уни тадқиқ этишга, тўғри хулоса чиқаришга имкон

беради.

Тадқиқот ривожда ўқувчиларда тадқиқот фаолияти муаммоларини режалаштириш ва ечиш усулларини танлаш мезонлари келтирилган. Юқоридаги фикрлар хулоса қилинган ҳолда ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мазмуни умумлаштирилган(1-жадвалга қarang):

1-жадвал

Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш мазмуни

| ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ АМАЛГА ОШИРИШ ШАКЛЛАРИ | | | | | | |
|---|----------------------------|---|--|--|---|--|
| Дарс жараёнида - ахборот технологияларидан фойдаланиш, интерфаол методлар асосида ижодий ва муаммоли ташкил этиш | | Дардан ташқари жараён – Ёш тадқиқотчилар мактаби, билимлар беллашуви, фан тўғараклари ва бошқа уюшмалар | | | Кўшимча шакллар - Фан амалиётлари. Саёхатлар. Инновация марказлари | |
| ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ АСОСИЙ ВОСИТАЛАРИ | | | | | | |
| Манбалар (дарсликлар, асарлар, газета, журналлар, интернет маълумотлари ва х.к.) | | Овоз ва тасвирни ифодаловчи воситалар (компьютер, мобил алоқа воситалари, диктофон, видеопроектор, телевизор, видеокамера, мултимедиа жиҳозлари ва х.к.). | | Оммавий ахборот воситалари (журналлар, тўплам, газета, радио ва телевидение материаллари ва х.к) | | Ахборот коммуникация воситалари (интернет тармоқлари). |
| Махсус тайёрланган анкета ва тестлар | | | | | | |
| ТАДҚИҚОТЧИЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ МАЗМУНИ | | | | | | |
| Фанга оид долзарб муаммони танлаш | Тадқиқот мавзусини асослаш | Тадқиқот жараёнининг мавжуд ҳолатини ўрганиб чиқиш | Муаммонинг ечимига қаратилган махсус методикани тадқиқот жараёнига тағбиқ этиш | Тадқиқот ишлари юзасидан олинган натижаларнинг самарадорлик даражасини тажриба-синов ишлари асосида аниқлаш. | Тадқиқот юзасидан тегишли хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқиш | |
| НАТИЖА: | | | | | | |
| Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари шаклланган | | | | | | |

Тадқиқот жараёнида ўқувчиларнинг таянч компетенциялар асосида тадқиқотчилик кўникмаларига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилар эканлиги қайд этилган:

- интилувчанлиги;

- яратувчанлик қобилиятига эга эканлиги;
- мантиқий фикрлаш қобилиятининг устунлиги;
- изланувчанлик қобилиятига эга эканлиги;
- янгиликка мойиллиги;
- аналитик фикрлаш қобилиятининг юқорилиги;
- синтетик фикрлаш қобилиятининг юқорилиги;
- юқори даражадаги билимдонлиги;
- тадқиқотчилик қобилиятининг кучлилиги.

Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик ишларига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари янада такомиллаштирилиши мумкин. Бинобарин, улар давр ўтиши билан ўзгаради.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида шакллантиришнинг шакл, метод ва воситалари”** деб номланган иккинчи бобида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмалари ва уларнинг ривожланиш даражасининг педагогик-психологик хусусиятлари ва босқичлари, ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида машғулотлар жараёнида шакллантириш, ўқувчиларда таянч компетенцияларга асосланиб тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш методлари такомиллаштирилган.

“Компетенция” термини фанда илк бор XX асрнинг 50-60-йилларида қўлланган ва инсоннинг бирор фаолиятни амалга ошириш лаёқатини билдирган. N.Chomsky, J.Raven, A.Зимняя, F.Delamare ва J.Winterton, H.Meuer ва A.Klapper, A.Хуторской ва бошқалар томонидан “компетенция” ва “компетентлилик” тушунчаларига берилган таърифларда компетенция муайян фаолиятда талаб қилинадиган хулқ-атвор, ўзини тутиш, компетентлилик эса ушбу талабга мослик даражаси, яъни компетенцияни намоёниш қилишнинг пировард натижаси деб талқин қилинади. Уларни умумлаштирган ҳолда, бугунги кунда таълим жараёнида фаол қўлланаётган ушбу тушунчаларни шарҳлашда қуйидаги хулосага келдик: “Компетенция” билим, кўникма ва малакаларнинг самарали қўлланиши; “компетентлилик” эса муайян фаолиятни амалга ошириш учун мавжуд ҳамда юзага чиқиши мумкин бўлган лаёқатдир. Таълимга компетент ёндашув ўқувчиларда ҳосил бўлган компетенциялардан шахсий, касбий ва ижтимоий ҳаётда учрайдиган турли вазиятларда самарали фойдаланишга ўргатишни кўзда тутади. Бунда кутилмаган ноаниқ, янги, муаммоли вазиятларга дуч келинганда тегишли билим, кўникма, малакалардан фойдалана олишга алоҳида эътибор қаратилади. Шу боис ҳар бир фанни ўқитиш жараёнида унинг мазмуни ҳамда хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда унга доир компетенциялар шакллантирилади. Тадқиқот доирасида уларда тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида шакллантириш босқичлари қуйидагича ифодаланган:

1-босқич. Бошланғич (1–4-синфлар). Ўқувчилар 1–4-синф ўқувчилари сафидан иқтидорли, билимли ва тадқиқотчилик ишларига лаёқати бор ўқувчилар мактаб ўқитувчилари(ижодий тўғарак раҳбарлари) томонидан танланиб, тадқиқотчилик элементлари шакллантирилади, ижодкорлик ишлари олиб боришга йўналтирилади. Махсус танлов асосида ўқувчилар ижодий ишларини олиб бориш учун сараланади. Бу босқич қуйидагича ташкил этилади:

- 1) Саволлар қўйиш кўникмасини ривожлантириш;
- 2) Тахминлар қўйиш, кузатиш, тадқиқот фаолияти бўйича бошланғич таассуротлар шаклланиши;
- 3) “Менинг фикримча”, “менинг ўйлашимча”, “мен...ҳисоблайман”, “мен шу фикрга қўшиламан”.

2-босқич. Асосий (5–7-синфлар). 5–7-синфларда ўқувчилар томонидан тадқиқот ишларининг дастлабки натижалари асосида кичик матнлар, маърузалар тайёрланади. Бу босқичда қуйидагилар аниқланган: тадқиқот мавзусини аниқлаш кўникмасининг ўсганлиги, шунингдек, таҳлил қилиш, таққослаш, хулосалар чиқариш, тадқиқот натижаларини ёзиб бориш, ташаббусни қўллаб-қувватлаш, ўқувчиларнинг фаоллиги ва мустақиллиги, тадқиқот мантиғини англаш.

3-босқич. Сўнги (8–9-синф) даврда ижодий ишлар натижалари тадбирларда, фан тўғаракларида, баҳс ва мунозараларда муҳокамадан ўтказилади. У қуйидагича амалга оширилган:

- 1)Индивидуал ютуқлар;
- 2)Табиий қонунларга асосланилган боғланишлар;
- 3)Кузатув натижалари асосида хулосалар чиқариш;
- 4)Натижаларни чизма ва жадвалларда, тасвирларда кўрсата билиш;
- 5)Фаразларни текшириш учун тадқиқот тажрибаларини ўтказиш, назарий хулосалар чиқариш.

Тавсия этилаётган босқичлар ўқувчида ижодий фаолият билан бир қаторда унда тадқиқотчилик кўникмаларининг шаклланишига имкон яратади. Чунки ушбу давр етарли даражада узоқ муддатни қамраб олади, яъни 4-5 йил давом этади. Муваффақиятли олиб борилган ишлар юқори синфларда, олий ўқув юртларида ва ундан кейинги таълимда асос бўлиши кўрсатилган. Мактаб даврида ўқувчиларнинг тадқиқотчилик ишларига оид фаолиятини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларига бундан кейин ҳам қўйиш мумкин. Чунки улар давр ўтиши билан ривожланиб боради.

“Ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида машғулотлар жараёнида шакллантириш” деб номланган 2.2.параграфида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш жараёнининг ҳар босқичида ҳикоя, суҳбат, муаммоли машқлар бажартириш, меҳнат топшириқлари, таълим берувчи ўйинлар, ўқув-мунозаралари, таълим жараёнидаги рағбатлантириш ва танбех бериш, ўқув материални муаммоли

тарзда ўргатиш, муаммоли суҳбат, тадқиқотлар, индуктив ва дедуктив муҳокамалар, китоб билан мустақил ишлаш, оғзаки сўров, ёзма ва ижодий ишлар, дастурлаштирилган таълим, мустақил назорат ишлари сингари методлар тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда самарадорлиги аниқланган.

Тажрибалардан маълумки, ўқувчиларнинг тадқиқотчилик фаолияти серқиррадир. Шу сабабли умумтаълим мактабларида тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш ва иқтидорли, илмий салоҳиятга эга бўлган болаларни излаб топиш ҳамда уларнинг ақлий салоҳиятини ривожлантириш мамлакатимиз илм-фанининг тараққиётини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ўқувчиларда қуйидаги кўникмалар тадқиқот фаолиятининг асоси қилиб белгиланган:

1. Тадқиқот саволларини қўйиш, муаммоларни шакллантириш, тахмин(фараз)ларни илгари суриш;

2. Тушунчаларга изоҳ бериш, классификациялаш(таснифлаш), иш режалари тузиш, кузатув олиб бориш, зарур маълумот ёки тахминни асосланганлигини текшириш мақсадида тадқиқот ва изланишларни режалаштириш ва ўтказиш, турли манбалардан олинган маълумотларнинг энг муҳимини ажрата олиш, маълумотни шакллантириш(таснифлаш);

3. Иш натижаларини ҳар хил шаклларда тақдим эта билиш;

4. Ўқувчиларнинг дарсдан ташқари фаолиятида олиб борилган мустақил тадқиқотлар.

Тадқиқотчилик фаолияти, биринчи навбатда, фан учун эмас, балки ўқувчи учун янгиликни кашф этишни тақозо этади, муаммоларни ўрганиш эса ўқувчининг ҳаётий тажрибаси ва қизиқишлари билан боғлиқдир.

“Ўқувчиларда таянч компетенцияларга асосланиб тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантириш методлари” деб номланган 2.3.параграфда эса умумтаълим мактаблари ўқувчиларида ахборотлар билан ишлаш компетенцияси асосида тадқиқотчиликка йўналтириш жараёнлари ўз ечимини топиши зарурлиги уқтирилган.

Ҳозирги шароитда ўқувчиларнинг тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришда педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда энг долзарб саналган муаммоли таълимнинг афзалликларини ўрганиш ва амалиётга татбиқ этиш, кўплаб илмий кашфиётлар қилишга асос бўлади. Бундан ташқари, муаллиф ўқувчиларни тадқиқотчиликка йўналтирувчи эвристик, тадқиқот, таққослаш, индуктив, дедуктив сингари мантиқий таълим методларида ҳам ўрганилаётган ўқув материалдан муҳимини ажратиш, ўрганилаётган ҳодисанинг умумий ёки хусусий жиҳатларини топиб тасниф қилиш, тизимга солиш, аниқликлар киритиш, исботлаш сингари усуллардан фойдаланган.

Мавзуга оид методик манбалар ва иш тажрибаларини ўрганиш асосида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга хизмат қиладиган қуйидаги таълим шакллари таклиф этилган: тақдимотлар, тренинглар, турли хил мавзудаги саёхатлар, ижодий топшириқларни бажариш, кичик гуруҳларда ишлаш, видеотренинглар, викториналар, сценарийли дарс, медиа анжуманлар, мастер-класс, ижодий лойиҳалаш машғулотлари, вебинар, давра суҳбатлари ва бошқалар.

Диссертациянинг **“Ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилган тажриба-синов ишларининг самарадорлик даражаси”** деб номланган учинчи бобида ўқувчиларда тадқиқотчилик кўникмаларини таянч компетенциялар асосида шакллантиришнинг педагогик ҳамда амалий аҳамияти, ташкилий асослари ва методикаси, муаммони ўрганишнинг прогностик ва квалиметрик методлари, тажриба-синов ишларининг ташкил этилиши ва мазмуни, статистик таҳлили ва самарадорлик даражаси, тақдим этилган илмий-методик тавсиялардан мактаб амалиётида фойдаланиш йўллари баён этилган.

